O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№28 (681) 2023 йил 11 апрель, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# АҲОЛИ ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**“Ташаббусли бюджет” дастурида ғолиб бўлмаган кўплаб лойиҳаларга ҳам маблағ ажратилади. Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев бўлиб ўтган йиғилишда мутасаддиларга кўрсатма берди.**

Мамлакатимизда ижтимоий инфратузилмадаги камчиликлар манзилли ҳал этилмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар аҳолининг талаб ва таклифлари асосида шакллантирилмоқда.

Шундай ишлар доирасида сўнгги уч йилда 9 минг 500 та маҳаллага 57 триллион сўм ажратилган. Бу маблағлар ҳисобига 3 минг 500 та маҳаллада ички йўллар, яна шунчасида боғча, мактаб ва шифохона таъмирланган. 1 минг 19 та маҳаллада ичимлик ва оқова суви таъминоти яхшиланиб, 452 таси замонавий қиёфага келтирилган.

Инсон қадри тамойили асосида бу йил маҳаллаларга ажратилаётган маблағлар кўлами 25 триллион сўмга етказилди. Хусусан, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида 8 триллион сўм кўзда тутилган.

Яқинда ушбу дастурнинг 1-мавсуми якунланди. Йиғилишда унинг натижалари ва амалга ошириладиган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Бу мавсумда аҳоли томонидан йўл, сув, электр, мактаб, боғча ва шифохоналарни яхшилашга 34 мингта лойиҳа таклифлари овозга қўйилган. Овоз бериш жараёни якунига кўра, 1 минг 666 та лойиҳа ғолиб, деб топилган.

Бу борада одамларнинг фаоллиги ошгани ҳам эътиборга молик. Масалан, 2021 йилда овоз бериш жараёнида 1 миллион 200 минг аҳоли иштирок этган бўлса, бу йил 1-мавсумнинг ўзида уларнинг сони 16 миллиондан ошди. Шунингдек, илк маротаба “Ташаббусли бюджет” дастурида республиканинг барча маҳаллалари ўз лойиҳаси билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ғолиб лойиҳаларни сифатли бажариш билан бирга бошқа лойиҳаларга ҳам эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

– Масалан, 1 минг 300 та лойиҳага 2 мингдан ортиқ аҳоли овоз берган бўлса-да, ғолиб бўлмаган. Бу – 4 миллиондан ортиқ аҳоли кўтарган масала ечимини топмади, дегани. Шунинг учун аҳолининг бу хайрли таклифларини қўллаб-қувватлашимиз зарур, – деди Президент.

Ушбу лойиҳаларга қўшимча 1 триллион 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Яна бир муҳим жиҳати, “Ташаббусли бюджет” дастурида қатнашган 34 мингта лойиҳа келгуси йил бюджетини шакллантириш учун тайёр таклиф. Масалан, маҳаллалардаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш бўйича мингдан ортиқ, мактабларни парта ва компьютер билан жиҳозлашга 5 мингдан зиёд лойиҳа таклифи келиб тушган.

Президент “Ташаббусли бюджет”да 1 минг 500 дан ортиқ овоз тўплаган лойиҳаларни 2024 йилги бюджетни шакллантиришда инобатга олиш зарурлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий соҳа объектларидаги иситиш тизимларининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, ушбу объектларга иссиқлик энергиясини узлуксиз етказиб бериш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳага хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. **Андижон вилоятининг Бўстон туманидаги 69 та** ижтимоий соҳа объектини иссиқлик энергияси билан таъминлаш давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2023-2026 йилларда республика ҳудудларида фаолият юритаётган давлат ижтимоий соҳа объектларини **кўмир ёқилғисига ўтказиш орқали** куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш, қозонхоналарни модернизация қилиш ҳамда муассасаларнинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ва белгиланган меъёрларда ишлашини таъминлашни давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда:

**биринчи босқичда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги 5 722 та** давлат ижтимоий соҳа объектининг иссиқлик таъминоти тизимларини хусусий сектор иштирокида модернизация қилиш ва бошқариш тизими жорий қилинсин;

давлат ижтимоий соҳа объектларида мавжуд иситиш тизимларининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларининг барча туман (шаҳар)ларида ҳамда бошқа вилоятларнинг 2-иловага мувофиқ **туман (шаҳар)ларида** давлат-хусусий шериклик асосида **модернизация қилиш ишлари бошлансин**.

3. Қуйидагилар:

Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш тизимини жорий этиш бўйича “йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат ижтимоий соҳа объектлари бўйича 2023 йилда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни имзолаш режаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ишларини ташкиллаштириш бўйича **республика ишчи гуруҳи** (кейинги ўринларда – Республика ишчи гуруҳи) **таркиби** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

▶ 2-бет



# Конституция – ўзимизники

**Райҳона ХЎЖАЕВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманидаги “Олмос” турар жой мажмуасида “Конституция – ўзимизники” мавзусида тарғибот тадбири бўлиб ўтди.**
**Унда сўзга чиққан қурилиш соҳаси вакиллари мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларга қулайлик яратиб бериш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, қурувчиларнинг меҳнат ва ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш масалаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапиришди.**



**Козим ТЎЛАГАНОВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари:

– Ўтган даврга разм солсак, бугун қурилиш соҳасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, Президентимиз катта минбарда туриб, 192 та 7 қаватли уй қурамиз деганида тўғриси, ўзимиз ҳам ҳайратга тушганмиз. Бу ишни қандай уддалаймиз, дея хавотирланганимиз ҳам эсимда. Сабаби, ўша вақтда бундай катта ҳажмдаги қурилишни амалга ошириш учун бизда етарли имкон йўқ эди. Хусусан, кранларимиз қолмаган, ташкилотлар йўқ бўлиб кетган, заводлар ишдан чиққан эди.

Ҳозирги кунда юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш натижасида қурилиш соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Ўша пайтда 2 мингга яқин қурилиш компанияси фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 47 мингтага етди. Биргина Сергели туманида 3 йил ичида 440 та уй қурдик. 18 ярим минг аҳоли кўчиб кирди. Боғча, мактаб каби барча зарур инфратузилма яратилди. Умуман, 1991 йилдан 2016 йилнинг охиригача Тошкент шаҳрида бор-йўғи 12 миллион кв/м уй қурилган экан. Охирги 5 йилда 6 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди.

Булар нимадан далолат? Демак, юртимизда соҳани ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилиб, бунинг учун керакли барча шароит яратиб берилмоқда. Янгиланаётган Конституциямизда ҳам соҳага, аниқроғи, турар жойга бўлган ҳуқуқлар масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, давлат уй-жой қурилишини рағбатлантириши ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шароитлар яратиши белгиланмоқда.



**Давронжон АДИЛОВ,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари:

– Мен қурувчилик касбини танлаганимдан доим фахрланаман. Чунки шундай ҳамкасбларим, дўстларим, жамоамиз борлиги ҳар қанча қувончга арзийди. Юртимиз равнақи, унинг ривожи ва халқимиз фаровонлигида айнан қурилиш соҳаси ходимларининг хизмати катта.

Охирги 5 йилда республикамиз қурилиш соҳасида бўлган ўзгаришларни ҳақиқий шов-шув десак, арзийди. Сабаби, шу даврда амалга оширилган ишлар илгари ҳеч қачон бажарилмаган. Бундан ташқари, 10-15 йилдан бери қурилиш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётган ҳамкасбларим билишади, мажбурий меҳнат қурилиш соҳасини ҳам четлаб ўтмаган эди. Фақат пахта даласида эмас, қурилиш объектида ҳам исталган пайтда ишчиларни олиб кетиб, қаерлардадир ишлатиб келишарди. Хабарингиз бор, ўтган даврда қурувчиларга нисбатан турли салбий қарашлар мавжуд эди. Шукурки, охирги йилларда топиш-тутишимиз, даромадимиз, қисқача айтганда, соҳани косаси оқарди. Албатта, соҳа ривожида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат, қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар катта туртки бўляпти. Бунда ҳурматли Президентимизнинг олиб бораётган сиёсати, аҳолининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда қабул қилаётган қарорлари ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Халқ фаровонлиги ҳамда инсон қадри учун нима керак? Энг аввало, Ватан керак. Ўзбек Ватансиз яшай олмайди, унинг ўз уйи бўлиши керак. 2018 йилда биринчи иш бошлаган пайтимиз Сергелида 16 қаватли уй қуриш учун Туркиядан зўрға бир дона кран олиб келган эдик. Бизда 60 метрли краннинг ўзи йўқ эди ўша пайтда. Бугун шу объектда ўнлаб худди шундай кранлар ишлаб турибди. Албатта, буларнинг барчаси яратилган шарт-шароит ва имконият меваси. Ҳукуматимиз томонидан шароит яратилмаса, техникаларни бож тўловларидан озод қилиб қўймаса, имтиёзли кредитлар бермаса буларни олишни иложи йўққу. Ҳар бир ривожланишнинг орқасида имконият, яратилган шароит, қўллаб-қувватлаш ва давлатимизни соҳага кўрсатаётган меҳри турибди.

Сизларга, барча ҳамкасбларимга, дўстларимга, ака-укаларимга доимо халқимизнинг яхши кунларига хизмат қилишингизни тилаб қоламан. Биз, сиз қураётган биноларда халқимиз тўйлар қилсин, осойишта умр кечирсин.

▶ 4-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№28 (681) 2023 йил 11 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ИСИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

◀ 1-бет

4. Қуйидагилар Республика ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимлари учун талаб этиладиган кўмир ва бошқа ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашиш;

ҳар чоракда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва жалб қилинган хусусий шериклар томонидан бажарилган ишлар натижадорлигини ўрганиш ва мунтазам мониторинг қилиб бориш;

давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

туман (шаҳар) ҳокимликларининг лойиҳалар ижроси юзасидан ахборотларини қабул қилиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий материалларни киритиб бориш;

мазкур қарорда кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини назорат қилиб бориш.

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б. Закиров), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов), Андижон вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдурахмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш. Абдуразаков) ва Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х. Бозаров):

**бир ой муддатда** туман (шаҳар)лардаги давлат ижтимоий соҳа объектлари бўйича мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **танлов асосида лойиҳа институтларини** жалб қилсин ҳамда мавжуд иссиқлик таъминоти тизимларини **хатловдан ўтказган ҳолда нуқсонлар тўғрисида далолатномаларни расмийлаштирсин**;

**жорий йил 1 июнга қадар** жалб қилинган лойиҳа институтлари кўмагида туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини **модернизация қилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини** ишлаб чиқиб, давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин. Бунда, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш харажатлари ҳудудлар **маҳаллий бюджети маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

**жорий йил 1 июлга қадар** туман (шаҳар)ларда давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва бошқариш лойиҳаларининг (кейинги ўринларда – Лойиҳалар) **концепцияларини тасдиқласин**;

**жорий йил 1 августдан** лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва лойиҳа концепциялари тасдиқланган туман (шаҳар)лардаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида босқичма-босқич модернизация қилиш ишларини бошласин.

6. Лойиҳаларни амалга оширишда:

давлат шериги этиб – туман (шаҳар) ҳокимликлари белгилансин;

хусусий шериклар – Ўзбекистон Республикасининг "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни талабларига мувофиқ тендер ўтказиш ва (ёки) Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларининг қарорлари асосида **энг мақбул таклифларни танлаб олиш** орқали аниқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки, Лойиҳаларни амалга оширишда қуйидаги вазифа ва мажбуриятлар бажарилиши таъминланади:

а) **давлат шериклари томонидан:**

давлат ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказишни таъминлаш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда кўмир ёқилғисида ишлайдиган энергия тежамкор қозонларни ўрнатиш ва объектлардаги ички иссиқлик тармоқларини модернизация қилишни назарда тутиш;

Лойиҳалар бўйича концепцияларни тасдиқлаш;

Лойиҳаларни амалга ошириш учун тендерларни ташкил қилиш ҳамда хусусий шерикларни шаффоф ва очиқ шартларда танлаш;

жалб қилинган хусусий шериклар учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларга иситиш объектлари ва тизимларини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатда вақтинчалик бепул фойдаланишга бериш;

Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатларда ва миқдорларда йўналтириб борилишини таъминлаш;

хусусий шериклар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини доимий назорат қилиб бориш, натижаси бўйича ҳар чоракда Республика ишчи гуруҳига ахборот бериш;

хусусий шериклар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда битимни бир томонлама бекор қилиш;

б) **хусусий шериклар томонидан:**

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ижтимоий соҳа объектларининг ички қисмларида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати давомида иссиқлик ҳароратини лозим даражада таъминлаш. Бунда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик қуввати ҳисобини юритишнинг онлайн тизимларини жорий этиш бўйича талаб қўйилиши мумкин;

иситиш учун меъёр бўйича талаб этиладиган кўмир ва электр энергияси харажатларини **камида 20 фоизга** ва иссиқлик энергияси йўқотишларини **30 фоизга** камайтириш;

ижтимоий соҳа объектларида Ўзбекистон Республикасида **камида бир йил** синовдан муваффақиятли ўтган ва хизмат қилиш кафолати **камида 15 йилни** ташкил қиладиган қозонларни ўрнатиш;

ўрнатиладиган иситиш қозонларининг сифатини кафолатлаш ва муддатидан олдин яроқсиз ҳолатга келган иситиш қозонларини ўз маблағлари ҳисобидан янгилаш. Бундай ҳолларда Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди;

ижтимоий соҳа объектларини иситиш билан боғлиқ барча масалаларни ўз зиммасига олиш.

8. Белгилансинки:

Лойиҳаларни амалга оширишда модернизация қилиш ва таъмирлаш харажатлари учун талаб этиладиган инвестиция маблағлари хусусий шериклар ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилади;

хусусий шерикларнинг улуши **камида 50 фоиз** ва объектларни эксплуатация қилиш **муддати 10 йил**ни ташкил этади;

Лойиҳаларни бошқариш ва эксплуатация қилиш даври давомида хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар **2023 йилда маҳаллий бюджет параметрларида** ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар, шунингдек, мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳамда энергия ресурсларини тежаш ҳисобига иқтисод қилинадиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида иссиқлик энергияси йўқотишларини камайтириш ва объектнинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирлари кўзда тутилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимлари ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун масъул ва шахсий жавобгар ҳисобланади.

туман (шаҳар) ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида хусусий шерикка ўз мажбуриятларини бажаришга ҳар томонлама, шу жумладан, кўмир ёқилғисини муддатидан олдин жамлаб қўйишда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига **хусусий шерикларнинг** энг мақбул таклифларини танлаб олишда қуйидаги талабларга эътибор қаратиш тавсия этилсин:

хусусий шериклар маблағларининг **улуши камида 50 фоиз ва ундан юқори бўлиши;**

хусусий шериклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун харажатлар миқдори маҳаллий бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағларга нисбатан **кам бўлиши**;

хусусий шерикларнинг солиқ тўловчи сифатида ишончли бўлиши ва охирги йилда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади **3 миллиард сўмдан кам** бўлмаслиги.

10. Белгилансинки:

Лойиҳалар ҳар бир ижтимоий соҳа объекти бўйича **алоҳида лотга ажратган ҳолда** амалга оширилади;

туман (шаҳар)лардаги мавжуд ижтимоий соҳа объектларининг сонидан, муассасаларнинг олис ҳудудларда жойлашувидан ҳамда ташаббускор хусусий тадбиркорлик субъектларининг таклифларидан келиб чиқиб, **Республика ишчи гуруҳи билан келишувга кўра икки ва ундан ортиқ лойиҳаларни бирлаштирган ҳолда лотларга ажратишга рухсат берилади**.

11. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) 2023 йилда республика бўйича давлат-хусусий шериклик асосида давлат ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун жами **500 миллиард сўм**, шундан Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун **250 миллиард сўм**, Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятига **50 миллиард сўм**дан маблағ ажратсин.

Бунда, ушбу харажатлар 2023 йилда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутилган маблағларни қайта тақсимлаш ҳамда республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қоплансин.

12. Иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича хориждан олиб келинадиган (импорт қилинадиган), республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарлар 2025 йилнинг 1 январига қадар божхона божидан озод қилинсин.

Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов), "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М. Юнусов) иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда олиб келинадиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

13. Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ (Д. Султанов) маҳаллий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга:

**бир ой муддатда** икки хил, жумладан, қаттиқ ёқилғида ишлайдиган иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**уч ой муддатда** соҳадаги мавжуд корхоналар базасида энергия тежовчи ва хавфсизлик даражаси юқори бўлган иситиш қозонлари (ҳар хил ёқилғида ишлайдиган) ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

14. Республика ишчи гуруҳи (Ш. Кудбиев):

манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан туман ҳамда шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўз тасарруфидаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизими модернизация қилингандан сўнг ечиб олинадиган ва фойдаланишга яроқли бўлган иситиш қозонлари эҳтиёжи мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига беғараз ўтказиб берилишини ташкиллаштирсин;

**уч ой муддатда** Энергетика вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида ижтимоий соҳа объектларида энергия самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Лойиҳаларни амалга ошириш учун Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назорат тадбирлари ҳар йили ўтказилишини таъминласин.

Бунда, давлат шериги ва хусусий шерик Лойиҳалар учун ажратиладиган Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) Лойиҳалар бўйича тасдиқланган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши ва битим шартларига риоя этилиши юзасидан доимий мониторингни амалга ошириб борсин.

Бунда, мониторинг натижасида биринчи марта аниқланган камчиликлар учун йиллик тўлов миқдорини **10 фоизга**, иккинчи марта аниқланган камчиликлар учун **20 фоизга** камайтириш ҳамда учинчи марта аниқланган камчиликлар учун битимни **бекор қилиш** каби жазо чораларини қўллаш механизми татбиқ этилсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида турли учрашувлар, тематик давра суҳбатлари ташкил этсин ҳамда уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин.

18. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битим лойиҳасини ишлаб чиқиб, барча туман (шаҳар) ҳокимликларига тақдим қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш. Д. Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж. А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 10 апрель


## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-28 | Реконструкция здания школы №26 в СГМ "Дустлик" (строительство дополнительного учебного блока на 120 мест) Баяутского района Сырдарьинской области | 3 640 527 874 сум без НДС | 120 календарных дней |

### ГУП "Служба единого заказчика" при Сырдарьинском областном хокимияте

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

| | |
|---|---|
| **Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области**<br>**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).<br>**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42. **E-mail:** tender-12@mail.ru | **Получатель:** Консалтинговый центр по организации тендерных торгов по Сырдарьинской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>**р/с:** 2021 0000 3038 3676 6001 в Сырдарьинском ф-ле НБУ ВЭД<br>**ИНН:** 202 585 476 МФО: 00363 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением согласно инструкциям, изложенным в тендерной документации.

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-28 | Реконструкция здания школы №26 в СГМ "Дустлик" (строительство дополнительного учебного блока на 120 мест) Баяутского района Сырдарьинской области | 72 810 557 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 2 май 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**
Консалтинговый центр по организации Тендерных торгов в строительстве по Сырдарьинской области.
**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).
**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42. **E-mail:** sirdaryotender20@gmail.com
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Алишер Сангиров.


## ПОПРАВКА

**следующий текст объявления, опубликованное в газете "O'zbekiston bunyodkori" №25(678) от 31 марта 2023 г. (страница 4), правильно читать:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы | Срок строительства |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-DJI-W-57 | Водоснабжение в СГМ "Темиркадам" Бахмальского района Джизакской области | 2 543 613 066 сум без НДС | 60 календарных дней |

## *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

***Апрель ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган***

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Қурилиш соҳасида тендр ва рейтинг тизимини методологик таъминлаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Рустам Курганбаев,** Қурилиш соҳасида иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси етакчи мутахассиси **Бобур Бекмуродов,**

"Ташгипрогор" АЖ 2-сонли архитектура-қурилиш сектори етакчи архитекторлар гуруҳи раҳбари **Нусрат Музафаров,**

Бухоро вилояти, Ромитан тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Азамат Файзиев,** Ғиждувон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Амонжон Ахтамов,**

Жиззах вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳисобчиси **Хайрулла Сулаймонов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Фаррухбек Кенжаев,**

Хоразм вилояти, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Иззат Давлатов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар "Tungish Imarat Servis" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Дамир Қудойназаров,**

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳар "Shirin sity kommunal" МЧЖ бош директори бошқарув компанияси **Раъно Бекмурадова,**

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани "Do'stobod Clean Citi" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Бахтиёр Рустамов,**

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги "Kommunalchi servis" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Ҳикмат Узақов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

# Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для выполнения проектно-изыскательских работ и разработки рабочего проекта “под ключ” по следующим объектам:**

| Номер контракта | Наименование объекта | Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС) | Срок сдачи проекта (календарных дней) |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-CS-17 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта в МСГ “Шахартепа” Куштепинского района Ферганской области | 120 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-18 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Намуна” Куштепинского района Ферганской области | 76 607 137 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-19 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Борот” Куштепинского района Ферганской области | 100 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-20 | Капитальный ремонт систем электроснабжения населенного пункта в МСГ “Борот” Куштепинского района Ферганской области | 88 669 278 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-21 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Баландмасжид” Куштепинского района Ферганской области | 278 122 659 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-22 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Эшонгузар” Куштепинского района Ферганской области | 146 553 859 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-23 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Сойбуйи” Куштепинского района Ферганской области | 203 947 381 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-24 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Карнайчи” Куштепинского района Ферганской области | 107 052 722 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-25 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Каттаболтакул” Куштепинского района Ферганской области | 139 531 901 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-26 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Кизиларык” Куштепинского района Ферганской области | 214 499 664 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-27 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Йулдошобод” Куштепинского района Ферганской области | 68 881 318 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-28 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Кайрагоч” Куштепинского района Ферганской области | 45 958 848 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-29 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Нурафшон” Куштепинского района Ферганской области | 65 177 303 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-30 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Кувурбоши” Куштепинского района Ферганской области | 110 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-31 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Истиклол” Язъяванского района Ферганской области | 73 876 064 | 35 |

| Номер контракта | Наименование объекта | Расчётная стоимость Заказчика (сум без НДС) | Срок сдачи проекта (календарных дней) |
|---|---|---|---|
| MOEI-RIDP-FER-CS-32 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Корасой” Язъяванского района Ферганской области | 47 912 936 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-33 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Гастон” Язъяванского района Ферганской области | 16 807 770 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-34 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Гастон” Язъяванского района Ферганской области | 30 962 579 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-35 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Порлок” Язъяванского района Ферганской области | 81 071 138 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-37 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Калдушон” Фуркатского района Ферганской области | 269 362 459 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-38 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Кармак” Фуркатского района Ферганской области | 182 566 674 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-39 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Шункор” Фуркатского района Ферганской области | 232 539 131 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-40 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Чеккуприк” Фуркатского района Ферганской области | 84 997 890 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-41 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Болтакул” Фуркатского района Ферганской области | 145 493 555 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-42 | Строительство и ремонт тротуаров, асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Сохибкор” Сохского района Ферганской области | 187 264 715 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-43 | Асфальтирование внутренних дорог 5-категории в МСГ “Кизилкиёк” Сохского района Ферганской области | 137 973 072 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-44 | Строительство моста в МСГ “Гулистон” Сохского района Ферганской области | 90 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-47 | Капитальный ремонт электроснабжения населенного пункта в МСГ “Девайрон” Сохского района Ферганской области | 125 000 000 | 35 |
| MOEI-RIDP-FER-CS-48 | Капитальный ремонт системы отопления существующего здания общеобразовательной школы №17 в МСГ “Девайрон” Сохского района Ферганской области | 61 756 626 | 35 |

## ГУП “Служба заказчика в сфере капитального строительства” Ферганского областного хокимията

приглашает проектные организации принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Более подробная информация об услугах приведена в Техническом задании.

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области** и ознакомиться с конкурсной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект конкурсной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 336 000 сум с НДС.

**Получатель:** Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Банковские реквизиты:** р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 в Ферганском филиале АКБ “InFinBank” МФО: 01128 ИНН: 202 529 457.

Конкурсные предложения (однопакетные) должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться **Декларацией об обеспечении конкурсного предложения** по прилагаемой к конкурсной документации форме.

Конкурсные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 18.00 (по ташкентскому времени) 26 апреля 2023 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены конкурсных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Адрес для подачи предложений:**

Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве по Ферганской области.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111“б”.

**Тел.:** 99-615-68-91.

**E-mail:** fartender@mail.ru

**Представитель консалтингового центра:** М. Содиков.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

**бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!**

Аукцион савдога “LOMBARD ASAT-KREDIT” МЧЖнинг 2023 йил 7 апрелдаги 21-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2022 йил 23 апрель, 23 декабрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 42-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 5810 | Кольцо, о.в. 2,62 гр., ч.в. 1,92 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,74 гр., ч.в. 5,74 гр., 585 пр. | 2 964 775,54 |
| 2. | 6171 | Кольцо, о.в. 2,59 гр., ч.в. 2,44 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,33 гр., ч.в. 3,23 гр., 585 пр. | 2 077 714,76 |
| 3. | 6313 | Кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 2,25 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 4,93 гр., ч.в. 4,93 гр., 585 пр. | 2 798 125,54 |
| 4. | 6643 | Кольцо, о.в. 2,24 гр., ч.в. 2,04 гр., 585 пр. | 798 961,84 |
| 5. | 6649 | Цепь, о.в. 4,83 гр., ч.в. 4,83 гр., 585 пр. | 1 889 125,54 |
| 6. | 6803 | Цепь, о.в. 12,85 гр., ч.в. 12,85 гр., 585 пр. | 4 919 125,54 |
| 7. | 6944 | Кулон, о.в. 0,68 гр., ч.в. 0,68 гр., 585 пр.; цепь, о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,51 гр., 585 пр. | 1 283 125,54 |
| 8. | 7463 | Серьги, о.в. 3,69 гр., ч.в. 3,39 гр., 585 пр. | 1 343 725,54 |
| 9. | 7676 | Кольцо, о.в. 6,07 гр., ч.в. 4,27 гр., 585 пр. | 1 586 125,54 |
| 10. | 7720 | Кольцо, о.в. 3,05 гр., ч.в. 3,05 гр., 585 пр. | 1 222 525,54 |
| 11. | 7852 | Цепь, о.в. 8,55 гр., ч.в. 8,55 гр., 585 пр. | 3 298 075,54 |
| 12. | 7904 | Цепь, о.в. 5,95 гр., ч.в. 5,95 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,49 гр., ч.в. 4,49 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,42 гр., 585 пр. | 4 555 525,54 |
| 13. | 7962 | Браслет, о.в. 6,47 гр., ч.в. 6,47 гр., 585 пр. | 2 525 425,54 |
| 14. | 8736 | Цепь, о.в. 2,55 гр., ч.в. 2,55 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,06 гр., ч.в. 5,06 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,22 гр., ч.в. 2,22 гр., 750 пр. | 4 510 075,54 |
| 15. | 8742 | Серьги, о.в. 5,31 гр., ч.в. 4,61 гр., 585 пр. | 2 040 625,54 |
| 16. | 9081 | Браслет, о.в. 11,06 гр., ч.в. 9,56 гр., 585 пр. | 3 876 472,54 |
| 17. | 9177 | Кольцо, о.в. 4,63 гр., ч.в. 4,03 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 5,10 гр., ч.в. 3,20 гр., 585 пр. | 3 101 125,54 |
| 18. | 9431 | Цепь с кулоном, о.в. 7,89 гр., ч.в. 7,59 гр., 585 пр. | 3 293 500,54 |
| 19. | 9448 | Кольцо, о.в. 3,29 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр. | 1 275 252,89 |
| 20. | 9602 | Браслет, о.в. 3,81 гр., ч.в. 3,81 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 8,64 гр., ч.в. 8,64 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 3,04 гр., ч.в. 3,04 гр., 585 пр. | 6 664 375,54 |
| 21. | 244 | Цепь, о.в. 10,64 гр., ч.в. 10,64 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,78 гр., ч.в. 5,78 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,43 гр., ч.в. 4,08 гр., 585 пр. | 7 209 775,54 |
| 22. | 262 | Серьги, о.в. 4,16 гр., ч.в. 4,16 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,77 гр., ч.в. 2,77 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,71 гр., ч.в. 2,71 гр., 585 пр. | 4 164 625,54 |
| 23. | 346 | Браслет, о.в. 8,90 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 2 195 125,54 |
| 24. | 554 | Браслет, о.в. 5,60 гр., ч.в. 5,60 гр., 585 пр. | 2 452 675,54 |
| 25. | 556 | Кольцо, о.в. 5,62 гр., ч.в. 3,82 гр., 585 пр. | 1 240 675,54 |
| 26. | 579 | Браслет, о.в. 2,17 гр., ч.в. 2,17 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,64 гр., 585 пр. | 2 119 375,54 |
| 27. | 582 | Браслет, о.в. 2,93 гр., ч.в. 2,93 гр., 585 пр. | 1 134 625,54 |
| 28. | 672 | Серьги, о.в. 3,60 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,80 гр., ч.в. 2,45 гр., 585 пр. | 2 096 650,54 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 29. | 711 | Серьги, о.в. 2,89 гр., ч.в. 2,89 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,97 гр., ч.в. 1,97 гр., 585 пр. | 2 134 525,54 |
| 30. | 716 | Кольцо, о.в. 2,30 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,17 гр., ч.в. 3,97 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,00 гр., ч.в. 2,80 гр., 585 пр. | 3 699 035,74 |
| 31. | 790 | Кольцо, о.в. 3,14 гр., ч.в. 2,34 гр., 585 пр. | 1 058 875,54 |
| 32. | 862 | Браслет, о.в. 5,82 гр., ч.в. 5,82 гр., 585 пр. | 2 043 625,54 |
| 33. | 1125 | Кольцо, о.в. 5,42 гр., ч.в. 4,62 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,38 гр., ч.в. 4,08 гр., 585 пр. | 3 785 875,54 |
| 34. | 1146 | Браслет, о.в. 5,33 гр., ч.в. 5,33 гр., 585 пр. | 2 127 708,04 |
| 35. | 1159 | Цепь с кулоном, о.в. 5,88 гр., ч.в. 5,88 гр., 750 пр. | 2 922 325,54 |
| 36. | 1219 | Кольцо, о.в. 1,78 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,77 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,90 гр., ч.в. 1,50 гр., 585 пр. | 1 519 435,54 |
| 37. | 1279 | Серьги, о.в. 3,79 гр., ч.в. 3,09 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,23 гр., ч.в. 2,23 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,67 гр., ч.в. 2,67 гр., 585 пр. | 3 207 145,54 |
| 38. | 1290 | Кольцо, о.в. 2,65 гр., ч.в. 2,05 гр., 585 пр. | 937 675,54 |
| 39. | 1307 | Кольцо, о.в. 5,99 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 1 833 707,14 |
| 40. | 1431 | Серьги, о.в. 4,66 гр., ч.в. 3,86 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 2 801 125,54 |
| 41. | 1516 | Кольцо, о.в. 3,71 гр., ч.в. 3,41 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 6,70 гр., ч.в. 6,50 гр., 585 пр. | 4 573 675,54 |
| 42. | 1531 | Цепь, о.в. 5,82 гр., ч.в. 5,82 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,05 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 3,91 гр., ч.в. 3,71 гр., 585 пр. | 4 922 125,54 |
| 43. | 1629 | Кольцо, о.в. 2,25 гр., ч.в. 1,95 гр., 585 пр. | 983 125,54 |
| 44. | 1674 | Кольцо, о.в. 3,76 гр., ч.в. 3,76 гр., 958 пр.; цепь, о.в. 6,21 гр., ч.в. 6,21 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 1,93 гр., ч.в. 1,93 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 2,92 гр., ч.в. 2,52 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 4,05 гр., ч.в. 3,05 гр., 585 пр. | 7 906 675,54 |
| 45. | 1681 | Цепь, о.в. 7,19 гр., ч.в. 7,19 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 3,21 гр., ч.в. 3,21 гр., 585 пр. | 3 347 828,44 |
| 46. | 1717 | Кольцо, о.в. 1,99 гр., ч.в. 1,99 гр., 916 пр.; кольцо, о.в. 4,27 гр., ч.в. 4,07 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,61 гр., ч.в. 2,21 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,45 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,89 гр., ч.в. 6,49 гр., 585 пр. | 7 724 875,54 |
| 47. | 1729 | Цепь, о.в. 12,03 гр., ч.в. 12,03 гр., 585 пр. | 5 164 525,54 |
| 48. | 1816 | Цепь, о.в. 5,45 гр., ч.в. 5,45 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,88 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,06 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,61 гр., ч.в. 1,41 гр., 585 пр. | 3 910 703,46 |
| 49. | 1915 | Кольцо, о.в. 3,06 гр., ч.в. 2,76 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,98 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр. | 2 346 625,54 |
| 50. | 1916 | Колье, о.в. 23.51 гр., ч.в. 23.51 гр., 585 пр. | 10 754 875,54 |
| 51. | 1936 | Кольцо, о.в. 2,30 гр., ч.в. 1,90 гр., 585 пр. | 937 675,54 |
| 52. | 2029 | Кольцо, о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,60 гр., 585 пр. | 680 125,54 |
| 53. | 2100 | Кольцо, о.в. 12,38 гр., ч.в. 12,38 гр., 750 пр.; кольцо, о.в. 4,16 гр., ч.в. 4,06 гр., 585 пр.; браслет, о.в. 15,14 гр., ч.в. 15,14 гр., 585 пр. | 15 580 150,54 |

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 54. | 2129 | Кольцо, о.в. 4,10 гр., ч.в. 3,80 гр., 585 пр. | 1 801 225,54 |
| 55. | 2148 | Кольцо, о.в. 3,45 гр., ч.в. 3,15 гр., 585 пр. | 1 513 375,54 |
| 56. | 2154 | Серьги, о.в. 5,59 гр., ч.в. 4,09 гр., 585 пр. | 1 937 575,54 |
| 57. | 2156 | Кольцо, о.в. 2,28 гр., ч.в. 2,28 гр., 585 пр. | 1 070 995,54 |
| 58. | 2167 | Кольцо, о.в. 5,30 гр., ч.в. 5,00 гр., 585 пр. | 2 346 625,54 |
| 59. | 2174 | Кольцо, о.в. 2,77 гр., ч.в. 2,37 гр., 585 пр. | 1 134 625,54 |
| 60. | 2233 | Кольцо, о.в. 3,96 гр., ч.в. 3,66 гр., 585 пр. | 1 740 625,54 |
| 61. | 2260 | Кольцо, о.в. 8,50 гр., ч.в. 8,50 гр., 585 пр. | 3 937 375,54 |
| 62. | 2268 | Кольцо, о.в. 5,28 гр., ч.в. 5,28 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 7,24 гр., ч.в. 7,24 гр., 585 пр. | 5 304 560,02 |
| 63. | 2306 | Серьги, о.в. 2,95 гр., ч.в. 2,75 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 1,67 гр., ч.в. 1,57 гр., 585 пр. | 2 043 625,54 |
| 64. | 2312 | Колье, о.в. 17,32 гр., ч.в. 17,32 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 9,77 гр., ч.в. 9,77 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 6,34 гр., ч.в. 6,34 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 2,41 гр., ч.в. 2,41 гр., 585 пр. | 16 360 375,54 |
| 65. | 2315 | Кольцо, о.в. 1,85 гр., ч.в. 1,45 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,81 гр., ч.в. 3,41 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 5,61 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 3 482 875,54 |
| 66. | 2405 | Кольцо, о.в. 1,89 гр., ч.в. 1,89 гр., 585 пр.; серьги, о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,60 гр., 585 пр. | 3 028 375,54 |
| 67. | 2448 | Серьги, о.в. 3,94 гр., ч.в. 3,94 гр., 750 пр. | 2 301 175,54 |
| 68. | 2629 | Кольцо, о.в. 3,21 гр., ч.в. 2,61 гр., 585 пр. | 1 255 825,54 |
| 69. | 2671 | Цепь, о.в. 4,85 гр., ч.в. 4,85 гр., 585 пр.; кулон, о.в. 3,28 гр., ч.в. 3,28 гр., 585 пр. | 3 770 725,54 |
| 70. | 2748 | Цепь, о.в. 3,52 гр., ч.в. 3,52 гр., 500 пр. | 1 089 175,54 |
| 71. | 2787 | Серьга 1 шт., о.в. 2,37 гр., ч.в. 2,17 гр., 585 пр. | 1 058 875,55 |
| 72. | 2821 | Кольцо, о.в. 2,78 гр., ч.в. 2,58 гр., 585 пр. | 1 134 625,55 |
| 73. | 2963 | Кольцо, о.в. 3,61 гр., ч.в. 3,31 гр., 585 пр. | 1 589 125,55 |
| 74. | 2984 | Серьги, о.в. 5,64 гр., ч.в. 5,64 гр., 585 пр.; кольцо, о.в. 3,11 гр., ч.в. 3,11 гр., 585 пр. | 4 058 575,55 |
| | | **Жами бошланғич баҳоси** | **237 501 704,47** |

Аукцион савдолар **2023 йил 18 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 16 май куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2023 йил 18 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 1, 15 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№28 (681) 2023 йил 11 апрель

1-бет



# Конституция – ўзимизники

**Акром ОЧИЛОВ,**
“Land House” қурилиш компанияси раҳбари:



– Биргина корхонамиз мисолида оладиган бўлсак, олдинги фаолиятимиз билан ҳозирги даврда катта фарқ бор. Президентимиз биз қурувчиларга берган имкониятлари, тадбиркорларни ҳар доим қўллаб-қувватлагани туфайли корхонамиз йилдан-йилга ривожланиб келмоқда.

2016 йилда Сергелида биринчи домни қураётганимизда бир ойда бир қават уй кўтарардик. Унда атиги 50-100 нафар ишчимиз бор эди. Кўп одам ишлатишга имконимиз йўқ эди. Ҳозир эса бир ойда битта бинонинг беш-олти қаватини бемалол қуряпмиз. Бу нимани англатади? Демак, иш ҳажмимиз ошди. Қанча кўп одамни иш билан таъминласак, шунча кўп одамга маош бера оламиз. Шунча кўп иш бажарамиз. Буларнинг бари бизга берилаётган енгилликлар, имтиёзлар натижасидир. Биз бунга қандай эришдик? Бунга сабаб энг аввало, Президентимиз техника воситаларини олиб кириш бўйича бир қатор имтиёзларни белгилаб қўйди. Бизда аввал бетон асослар, йирик кранлар бормиди? Албатта, йўқ. 5-7 қават уйлар қура олардик, холос. Бугунги кунда 16 қаватли уй-жойларни ҳеч қандай муаммосиз қуряпмиз.

Келажакда бундан ҳам катта ютуқларга эришамиз. Илгари йигитлар чет давлатга ишлагани бориб, йиллаб оиласини, бола-чақасини кўришга муштоқ бўлган. Олти йилдан буён корхонамиз ишчилари истаган пайтида оиласини бориб кўриб келиш имконига эга. Ҳатто биз бугун чет элдан мутахассисларни олиб келиб ишлатяпмиз. Корхонамизда ҳозирда уч нафар турк мутахассиси ишлайди. Буларнинг барчаси юртимизда қурувчиларга, қурилиш соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор натижасидир.

**Наргиза АРСЛОНОВА,** кранчи,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси:



– Мен шу касбим орқали эл-юртга танилдим. Шахсан Президентимизнинг “Сиз қаҳрамонсиз”, деган сўзлари менга катта куч беради. Олдимда турган қийинчилик ҳамда тўсиқларни енгиб ўтиб, жамиятда ўз ўрнимни топа олдим. Айнан “Tashkent city” каби йирик ва тарихий мажмуа қурилишида қатнашганимдан фахрланаман. Худди шу фаолиятим мени юртга танитди, эл назарига тушишимга сабаб бўлди.

Тўғриси, кран бошқаришни танлашимнинг ўзига яраша сабаблари бор. Оилавий шароит ва жамиятда ўз ўрнимни топишга бўлган иштиёқ мени шу касбда ишлашга ундади. Яширмайман, бу борада кўп қаршиликларга дуч келдим, бу қиз кранда ишлолмайди, дея гапирганлар ҳам бўлди. Аммо мен чекинмадим. Олдимдаги тўсиқларни барчасини енгиб ўтдим.

Бугун юртимизда қурилиш ва қурувчиларга бўлган эътибор ҳар доимгидан ошди. Бу янгиланаётган Конституциямизда ҳам ўз аксини топаётганидан хурсандман.

# Ҳуқуқларимиз кафолати учун овоз берамиз

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларидаги фаолликнинг кескин ортиши натижасида тадбиркорлик субъектлари ҳамда жамоатчилик ўртасида юзага келган зиддиятлар, меҳнат, ижтимоий муҳофаза, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда аҳолининг янги талаблари пайдо бўлиши қонунчилик соҳасида ҳам катта ислоҳотларга эҳтиёж туғдирди.**

Кундалик ҳаётимизда бу масалалар янги фармон ва қарорлар орқали ҳал этиб борилса-да, кишилар уларни энг олий ҳуқуқий ҳужжат орқали кафолатлаб қўйилишини исташи табиий. Буни янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини тайёрлаш жараёнида кўрдик. Кенг жамоатчилик томонидан келиб тушган таклифлар атрофлича ўрганилиб, лойиҳадан ўрин олгани аҳолининг ҳуқуқлари олий даражада кафолатланаётганидан дарак бериш билан бир қаторда фуқароларда сиёсий фаолликнинг ортганини ҳам кўрсатмоқда.

Масалан, хусусий мулк ҳимояси бўйича киритилаётган янги нормаларга тўхталсак. Маълумки, охирги йилларда давлат ҳокимияти органлари томонидан турар жой ва тадбиркорлик объектларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлиб, қонунчиликда катта бўшлиқ мавжудлигини кўрсатган эди. Натижада мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш мақсадида 2022 йил 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонга мувофиқ, *мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг хусусий мулк ҳуқуқини эркин амалга оширишга аралашиш ва дахлсизлигини бузиш билан боғлиқ ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортишгача чоралар қўлланилиши* белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасига кўра, эндиликда **фуқаролар уйи жойлашган ер участкасини хусусий мулк сифатида олиши, шунингдек, лойиҳа бўйича ерни тўлақонли мерос асосида қолдириши, олди-сотди қилиш ва гаровга қўйиши мумкин** бўлади. Бу эса ўз-ўзидан “снос”лар муаммосига чек қўйишга хизмат қилади. Чунки **ер хусусий мулк сифатида қайд этилган бўлса, уни жамоат эҳтиёжлари учун олиш мулкдорнинг розилиги билан амалга оширилиши шарт** қилиб қўйилади. Жумладан, Конституция лойиҳасининг 47-моддасидаги нормага мувофиқ, **“Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади”**.

Кучли ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим шартларидан бири хусусий мулк ва унинг ишончли кафолати ҳисобланишини инобатга олсак, бу борадаги конституциявий кафолатларни кучайтириш орқали аҳолининг давлатга, Конституция ҳамда қонунларга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш мумкин.

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидаги **ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга экани, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши** ҳақидаги норма ҳам аҳоли таклифлари асосида киритилгани алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, эндиликда шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Фуқаролар шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаси билан танишиб, улар бўйича ўз таклиф ва эътирозларини билдириши мумкин бўлади. Шунингдек, бу норма жамоатчилик назорати институтининг фаоллашувига ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, охирги вақтларда чанг-қум шамолларининг кўплаб кузатилиши жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга, фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлаётган эди. Ҳатто, дарахтларни кесишга мораторий эълон қилиниб, экологияга оид мурожаатларни қабул қилувчи @EcoControl_bot телеграм боти ишга туширилди.

Мамлакатимизда экологик ҳолатни яхшилаш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш мақсадида, дарахтларни кесишга ўрнатилган мораторий 2024 йилга қадар узайтирилиб, экологик полиция ташкил этилган. 2021 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида мораторий эълон қилинган ўша йилнинг 11 ойи давомида дарахт ва буталарни ноқонуний кесиш сабаб 10,6 миллиард сўм зарар етказилгани масъул қўмита томонидан маълум қилинди. Бу эса экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жавобгарликни кучайтириш зарурати “максимум” даражага етганини кўрсатди. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасидан ўрин олган экологик ҳуқуқлар кафолатлари эса ана шу эҳтиёжнинг энг ишончли ечимидир.

Дунёни эҳтиёж бошқаради, ҳар бир ҳаракат унга мувофиқ бажарилади, дейдилар. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси ҳам халқимизнинг истак ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. Юрт тинчлиги ва аҳоли турмуш фаровонлиги бош ғоя этиб белгиланган Олий ҳуқуқий ҳужжатимиз референдумида фаол иштирок этишимиз ўз истак ва эҳтиёжларимиз рўёби учун хизмат қилади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри,
Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-437.
1749 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – И. Ибодулла.

ЎзА якуни – 22.45.
Топширилди – 23.30.

1 2 3 4 5 6

## БСКлар фаолиятидан



# Ҳаётимиздаги ўзгаришларда БСКларнинг ўрни қандай?

**Азиз МАШРАБОВ,** журналист.

**Бугунги кунда ҳар бир соҳада ислоҳотлар шиддат билан амалга оширилаётгани учун ҳаётимизда ҳар куни муҳим ўзгариш, янгилик бўлаяпти. Буни кўпчилик ўз турмушида ҳам яққол ҳис қилмоқда. Хусусан, бу ислоҳотлар кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш борасида ҳам амалга оширилаётгани натижасида аҳоли турмуш даражаси илгарига қараганда анча ўзгарди. Аниқроғи, эски тизимда фолият юритувчи ширкатлар ўрнига бошқарув сервис компаниялари ташкил топаётгани туфайли коммунал соҳадаги камчиликлар тез фурсатда бартараф этилиб, аҳолидан тушаётган мурожаатлар ўз вақтида ҳал бўлмоқда.**

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилоятида 1 589 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларга 32 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу турар жойларда жами 37 минг 890 та хонадон мавжуд. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ўринбосари Панжи Тангриев ҳудудларга ташрифи давомида белгиланган дастурга асосан, бугунга қадар 1991 йилгача қурилган кўп қаватли турар жойларнинг 377 таси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Қолган барча турар жойларда жорий таъмирлаш, 400 дан ортиғида фасад қисмини бўяш, замонавий кўринишга келтириш ишлари амалга оширилди. Кўп қаватли уйлар олдида 5 минг метр квадрат бетон йўлакчалар ва автотураргоҳлар барпо этилиб, 17 та болалар майдончаси, 8 та тандирхона ва 7 та умумий фойдаланишдаги ҳожатхоналар қурилди.

Бундан ташқари, кўп қаватли уйлар олдида 200 дона тунгги ёритгичлар ўрнатилиб, 560 та фрамугалар, 120 та темир эшиклар янгидан қўйилди. Уйлар атрофидаги 100 дан ортиқ ноқонуний қурилмалар бузилиб, теварак-атроф ободонлаштирилди. Кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларда 80 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилгач, атроф янада кўркам қиёфага кирди.

Муҳими, бу ишлар Термиз шаҳри, Ангор, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон ва Жарқўрғон туманларида ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Таъмирланган, замонавий кўринишга келтирилган кўп қаватли уй-жойлар нафақат вилоятнинг умумий қиёфасига ўзгача руҳ бағишлаяпти, балки аҳолига кўтаринки кайфият ҳам улашмоқда. Масалан, Термиз шаҳри Паттакесар маҳалласида жойлашган кўп квартирали уйларнинг ички йўлаклари таъмирталаб аҳволда эканлиги, фасад қисмлари замонавий архитектура талабларига жавоб бермаслиги боис фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Шуни эътиборга олган ҳолда, ушбу ҳудудда катта ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, маҳалладаги 27 та кўп қаватли уйнинг томи таъмирланди, 12 та уйнинг яроқсиз шиферлари қисман янгиланди, 15 та уйнинг сокол қисмида бўёқлаш ишлари олиб борилди, 10 та уйнинг томидаги канёклари янгисига алмаштирилди ҳамда уйларнинг мўрилари тозаланиб, бўёқлаб чиқилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар атрофидаги 150 метр тротуарлар бетон қопламаси билан қопланиб, йўлларнинг 160 кв метр қисмига шағал тошлар тўкилди. Иккита болалар майдончаси обод қилиниб, кириш йўлакларидаги темир эшиклар таъмирланди. Кўп каватли уйлар олди ва орқа томонидаги ноқонуний қурилган панжара ҳамда сеткали қурилмалар бартараф этилиши натижасида маҳалла янада файзли масканга айланди.

Бу каби ижобий ўзгаришлар вилоятдаги ҳар бир маҳаллада амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, ишлар режали равишда бажариб келинмоқда. Бунда эса кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган бошқарув сервис компанияларининг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зеро, аҳолининг ҳақли равишда “Ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришларда БСКларнинг ўрни катта бўляпти” дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас.